

# Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



## Тажриба, маҳорат ва амалиёт

# ШИЖОАТ ВА БУРЧГА САДОҚАТ



Таъкидлаш жоизки, аввало, аҳоли саломатлигини асраш ва мустаҳкамлаш масаласи мустақилликнинг илк кунлариданоқ давлатимиз сиёсатининг устувор вазифасига айланганлигини инкор эта олмаймиз. Шундай экан, кейинги йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан соғлиқни сақлаш тизими, яъни инсонлар саломатлиги ва уларнинг турмуш фаровонлигига бўлган эътибор ва ғамхўрлиги, албатта, эътирофга моликдир.

Бунинг исботи сифатида айтиш лозимки, давлатимиз раҳбари ўтган давр мобайнида республикамиз ҳудудларига ташир буюриб, барча соҳалар қатори тиббиёт тизимида ҳам ўз ечимини кутаётган муаммоларни кўздан кечириб, жойларда аҳолига ихтисослашти-

рилган тиббий ёрдам кўрсатиш муҳимлигини, шунингдек, замонавий қиёфа кашф этувчи шифо масканларини бунёд этиш, уларни сўнгги русумдаги аппаратуралар ҳамда малакали кадрлар билан таъминлаш таклифини берган эдилар. Ҳўш, шу ўринда ҳақли савол туғилади. Аини кунда ушбу мақсадга йўналтирилган фаолият ва вазифалар қай даражада амалга оширилмоқда?

Бир сўз билан айтганда, мазкур йўналишдаги ишлар республика миқёсида жадаллик билан амалга ошириб келинмоқда. Айниқса, тизимда белгиланган вазифалар доирасида ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказларининг филиалларида, қолаверса, шифо масканларида талаб даражасидаги ишлар янада тақомиллаштириб, хорижий мутахассислар ҳамда маҳаллий шифокорларимиз ҳамкорлигида мураккаб операция жараёнлари, шу билан бирга, ёш, етуқ кадрлар учун маҳорат дарсларининг олиб борилаётганлиги аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини ошириш баъорарида, касалликларни эрта аниқлаш, тўғри ташхис қўйиш ҳамда даво муолажаларини ўз вақтида олиб боришда муҳим пойдевор бўлиб хизмат қил-

моқда, десак муболага бўлмайди. Ушбу ислохот жараёнларининг яна бир муҳим жиҳати шундаки, 2017 йилнинг 13 августида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 6-сонли баённомасига асосан пойтахтимиздаги етакчи клиникаларда кўп йиллардан буён фаолият олиб бораётган юқори малакали профессорларни вилоятлардаги тиббиёт муассасаларига раҳбар лавозимларига тайинлаш, у ердаги ишлар самарадорлигини ошириш ҳамда жойларда мураккаб операция амалиётларини жорий этиш билан бирга, маҳаллий мутахассисларни илмий жиҳатдан салоҳиятли кадрларга айлантириш масаласи қўйилган эди. Ушбу баённома ижроси мамлакатимиз ҳудудларида қай даражада кетаётганлиги давлатимизнинг диққат эътиборида бўлиб келмоқда.

Мазкур жараёнларга янада ойдинлик киритиш мақсадида Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Самарқанд филиалида олиб борилаётган фаолиятлар билан танишиш мақсадида, ушбу шифо масканига ташир буюрдик.

(Давоми 2-бетда).

## Ислохот одимлари

# ОНКОЛОГИК КАСАЛЛИКЛАРНИ ДАВОЛАШДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР

Онкологик касалликлар дунёда инсон саломатлигига жиддий таъсир кўрсатаётган долзарб тиббий-ижтимоий муаммолардан бири ҳисобланади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотиغا кўра, бу каби хасталикларга чалиниш кўрсаткичи йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Ҳар йили Ер юзи аҳолисининг 16 миллионга яқини бирламчи саратонга чалинади. Жумладан, Ўзбекистонда ҳам 100 мингдан ортиқ бемор ушбу касалликлар бўйича ҳисобда туради. Шу боис, бу тиббий-ижтимоий муаммога қарши курашиш нафақат соғлиқни сақлаш соҳаси, балки бутун жамият зиммасига катта масъулият юклайди. Мамлакатимизда тиббиёт тизимидаги ишлар давлат сиёсати даражасига гача кўтарилиб, онкологик хизматга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жумладан, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 4 апрелдаги "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида онкология хизматини янада ривожлантириш ва аҳолига онкологик ёрдам кўрсатишни тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу борада ўз ечимини кутаётган устувор вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда муҳим дастуриламал бўлмоқда. Мазкур ҳужжатда белгиланган ва-


зифалар амалга оширилаётгани натижасида вилоятлардаги онкология диспансерлари Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг филиалларида айлантирилди. Онкология муассасалари реконструкция ва модернизация қилинди, касалликлар диагностикаси ва даволашнинг замонавий стандартлари ишлаб чиқилиб, тасдиқланди.

(Давоми 4-бетда).



Тажриба, маҳорат ва амалиёт

## ШИЖОАТ ВА БУРЧГА САДОҚАТ



аҳамияти тўғрисида тушунтириш ишлари олиб бориш билан бирга, тиббий маданиятни оширишга катта эътибор қаратдик. Бунинг баробарида вилоят аҳолисини пойтахт клиникаларига қатнашини камайитириш мақсадида юқори технологик жараёнлар ҳамда моддий техника базасини ривожлантириш масалаларини йўлга қўйдик. Шунингдек, 2 йил давомида мураккаб операцияларни амалга оширган ҳолда малакали кадрлар сонини кўпайитириш муҳим вазифаларимиздан бирига айланди. Илмий-амалий клиникалар билан ҳамкорлик ишлари йўлга қўйилмоқда. Фаолият бошлаганимизда жамоада 300 нафар ходим бўлган бўлса, айти кунда улар сонини 400 тага етди.

Айтишим муҳими, вилоятда онкологик касалликларни кечиккан босқичлари 52 фоиздан 48,3 фоизга тушди. Хасталикни барвақт аниқлаш 48 фоиздан 51,7 фоизга кўтарилди. Бу кўрсаткичларни таҳлилига келадиган бўлсак, асосий ишимизни профилактикадан бошлаб, тузилган жадвалга мувофиқ 5 нафар малакали мутахассис ҳафтанинг ҳар шанба кунини туманларга чиқиб, қишлоқ врачлик ва қишлоқ оилавий поликлиникалари ҳамда маҳалларда аҳолини чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказадилар, куннинг иккинчи ярмида фуқароларга сут бези, бачадон бўйни, меъда саратони, хавфли лимфома ва тери саратони касалликлари бўйича аҳоли орасида маърузалар қилдилар. Шунингдек, ҳар ойнинг охириги чоршанба кунини 25 нафарга яқин етакчи мутахассислар туманларга чиқиб, назоратда турган ҳамда мурожаат қилган фу-




яли операция жорий этилди. Бир йил ичида меъда, жигар, қизил-ўнғач, ўпка, кўкс оралиги, қорин парда ва қорин орти соҳасидаги ўсмалар каби 240 дан ортқ мураккаб операциялар муваффақиятли амалга оширилди. Шундай экан, аҳоли орасида пойтахт клиникаларига мурожаат этиш ва қатнов кўрсаткичлари кескин камайди. Шу ўринда

торантурага қабул қилиниб, айти кунда илмий изланишлар олиб боришмоқда. Улардан 2 нафари ҳозирда Н. Блохин номидаги Россия онкология марказида илмий фаолиятини давом эттирмоқда.

**Янги инновацион ғоя кiritиш доирасида сут бези саратони бўйича 10 нафардан ортқ кетиморга микро-**

– Замоनावий қиёфа кашф этган тиббиёт муассасасига кириб борар эканмиз, аввало, ҳудуддаги тозалик, манзарали ва мевали дараклар, анвойи гулларнинг гўзаллиги-ю, хушбўй хидлари, шунингдек, бемор ва фуқароларнинг тоза ҳаводан баҳраманд бўлишлари ҳамда дам олишлар учун яратилган шароитлар бизни

илмий-амалий тиббиёт марказидаги фаолиятингиз давомида бўлим шифокорлиги, кичик илмий ходим, бўлим бошлиғи, директор ўринбосари, директор, илмий раҳбарлик лавозимларида иш олиб борган экансиз. Албатта, бир жойда 38 йил бу каби масъулият сизнинг йиллар давомида ма-



бефарқ қолдирмади. Маъмурий ичкарасига кирганимизда эса жамоада соғлом муҳит барқарорлигига амин бўлдик.

Филиал директори хонасига яқинлашганимизда котиба профессор Миржалол Жўраевни операцияда эканликларини айтди. Шунда биз у қандай операция, унинг жараёндаги ҳолати билан танишиш мақсадида операцион блок томон йўл олдик. Профессор Миржалол Жўраев раҳбарлигида 16 ёшли беморда меъда ости бези бош қисми ўсмаси таъхиси билан гастропанкреатодуоденал резекция амалиёт бажарилаётганлигини ва ушбу жараёнда бир жону-бир тан бўлиб, қўли-қўлига тегмай жараённи хушёрлик, диққат-эътибор ва масъулият билан бор малакасини бемор ҳаётини сақлаб қолишга бахшида эътибор оқ халатли фидойилар меҳнатига тан бердик. Ушбу мураккаб операция 6 соат давом этди ва муваффақиятли бажарилди.

**Амалиёт тугагач, Республика ихтисослаштирилган Онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Самарқанд филиали директори, II даражали "Соғлом авлод учун" ордени соҳибни Миржалол Жўраев билан суҳбатда бўлдик.**


– Миржалол Дехқонович, 38 йил мобайнида Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология

(Давоми. Боши 1-бетда).

шаққатли меҳнатларингизни баҳоловчи мезонга айланганини кўриб турибмиз. Шундай экан, 2017 йил сентябрь ойидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Вазиirlар Маҳкамасининг баённомасига асосан марказнинг Самарқанд филиалига директор этиб тайинландингиз. Бу албатта, сизнинг меҳнатингизга бўлган ишонч. Шу кунга қадар шифо масканингизда қандай ишлар амалга оширилди? Келгусидаги режалар хусусида тўхталсангиз.

– Мен аввало, ўз фикримни Президентимизнинг ушбу пурмаъно ибораларидан бошламоқчиман. "Тиббиёт халқ билан давлат ўртасидаги адолатли кўприкдир". Дарҳақиқат, бу шифохонамизнинг кундалик таъхиси айланган бўлиб, жамоамиз ходимлари ўз фаолиятлари давомида бор билим ва илмий салоҳиятларини инсон саломатлигини сақлашдек эзгу ишларга қаратаётдилар. Мазкур шифо масканида иш бошлаганимизда вилоят миқёсида онкологик касалликнинг кечиккан босқичлари 52 фоизни ташкил қилар эди. Муассасада беморлар учун деярли шароитлар яратилмаган, ҳудуд ҳовлиси эса талабга жавоб бермас, шунингдек, бинолар таъмирдан тўлиқ чиқарилмаган эди.

Аввало, аҳоли орасида саратон касаллигини эрта аниқлаш, кечиккан босқичларини камайитириш ва профилактика ишларини кунайитиришдан бошлади. Фаолиятимизни асосий долзарблиғи бу – аҳоли орасида соғлом турмуш тарзининг



қароларни чуқур тиббий кўридан ўтказиб, уларда УТТ, эндоскопия, фидрогоскопия, колпаскоп каби аппаратлар ёрдамида текширувлар олиб боришди. Шу куннинг ўзида кечки соат 03-05 гача профессорлар томонидан ҳокимият вакиллари, хотин-қизлар қўмитаси, маҳалла фаоллари ҳамда 10 нафардан кам бўлмаган маҳалла вакиллари иштирокида мактаб, лицей биноларига 300-400 нафардан ортқ аҳолига онкологик касалликларнинг келиб чиқиш сабаблари ва унинг олдини олиш ҳамда профилактика тадбирлар тўғрисида маълумотлар бериб борадилар.

Маслаҳат поликлинкамиз 80 қатновга мўлжалланган бўлиб, 2017 йилда 70 та қатнов амалга оширилган бўлса, 2018 йилда 230 та қатнов қабул қилинди. Вилоятда аввал бажарилмаган 8 турдаги юқори технологи-



хирургик усул билан лимфавеноз анастомозлар қўйиш махус катталаштирувчи микроскоплар ёрдамида ўтказилмоқда. Ушбу жараёнлар муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Давлат бюджети томонидан филиалнинг маъмурият ва бўлимлари замоनावий типда таъмирдан чиқарилди. Бунинг баробарида, иммуногистохимия лабораторияси, ошхона, кир ювиш ва архив хоналари ҳам тўлиқ реконструкция қилинди ва давр талаби асосида мослаштирилди. Бино ҳудудида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига катта эътибор қаратилган.

Келгусидаги режалар бўйича 2019 йилда 140 қатновга мўлжалланган замоनावий поликлиника қуриш кўзда тутилган бўлиб, айти кунда лойиҳа сметалари олиб борилмоқда. Бундан ташқари, филиал қошида 50 ўринли хоспис биносини қуриш мақсадида бино ажратилган бўлиб, реконструкция лойиҳалари кўриб чиқилмоқда. Яна олдимизга қўйилган муҳим вазифаларидан бири филиалга МРТ, ангиография аппаратларини олиб келиш, шу билан бирга, иммуногистохимик лабораторияларни ташкил қилиш мўлжалланган. Яқин ойларида брахитерапия ҳамда гистанцион гамма терапевтик аппаратлари келиши кутилмоқда. Бундай имкониятларнинг фойдаланиш кiritилиши ишлар

(Давоми 3-бетда).

# ШИЖОАТ ВА БУРЧГА САДОҚАТ

самарадорлигини кескин оширади, тўлақонли ташхиллаш-даволаш стандартларига ўтишни таъминлайди.

Бўлимлар фаолияти билан танишиш чоғида мажлислар залида ўтказилаётган йиғилишга кўзимиз тушди. Унда тиббиёт муассасасида хизмат қилаётган ҳамширалар куннинг долзарб мавзуларига бағишланган семинарда иштирок этаётган эканлар. Улар билан суҳбатда бўлганимизда ўрта тиббиёт ходимлари давлатимиз томонидан меҳнатларига бўлган эътибордан мамнунликларини изҳор этиб, аҳоли саломатлиги йўлида астойдил меҳнат қилиш, асосий вазифалари эканлигини таъкидладилар.

Бўлимлардаги беморлар ётган хоналарга кирганимизда шинам, ёруғ ҳамда барча имкониятлар мавжудлиги бизни бефарқ қолдирмади. Айниқса, ҳар бир хона замонавий совутич, телевизор, кондиционер каби маиший техникалар билан таъминланган. Беморлар билан суҳбатда бўлганимизда улар яратилган шароитларлар



миннатдор эканлигини эътироф этишди. Бугунги кунда тизимда архив масалаларига катта эътибор қаратилаётганлиги беҳиз эмас. Чунки, тиббиётнинг ўзига хос талаблари, сир-синоатлари йиллар ўтса-да, оқ қоғозга муҳрланиб қолади. Шу боис, бу каби меъёрий ҳужжатларни кўз қорачиғидек асраш муҳимдир. Шундай экан, мазкур шифохонада ана шундай архив материалларини си-

фатли ва узоқ муддатга сақлаш учун алоҳида техник талабларга мос архив хонасини ҳам кўздан кечирганимизда у ердаги саранжом-сарийшталик диққатимизни ўзига тортиди. Шу билан бирга, кир ювиш хонасининг ҳам янги таъмирдан чиқарилганлиги ҳамда замонавий маиший техникалар билан таъминланганлиги ва унда ўз ишини пухта билган ходимлар ишлайётганлигини гувоҳи бўлдик.



Филиал фаолияти билан танишиб чиқар эканмиз, беморлар учун яратилган барча шароит ва имкониятлар бугунги замон талабига жавоб беришига ишончимиз комил бўлди. Айниқса, бўлимларнинг ўзига хос таъмирдан чиқарилганлиги, жиҳозларнинг мавжудлиги, тозалик ва озодлик ҳамда тиббиёт ходимларининг касбига бўлган интилиши, хушмуомалалиги, қолаверса, илмий салоҳият йўлидаги изланишлари шифо масканининг эртанги келахақи ёруғ эканлигини кўрсатиб турибди.

Шундай экан, қалби эзуликка йўғрилган халқ саломатлиги йўлида астойдил бел боғлаган Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Самарқанд филиали директори, профессор Миржалол Жўраев ҳамда унинг аҳил жамоасининг ишларига омадлар тилаб қоламиз.

## МЕҲНАТЛАРГА МУНОСИБ РАҒБАТ

Дунёда шундай инсонлар борки, ўзининг камтарона меҳнати, қолаверса, касбига бўлган садоқати билан эл-юрт орасида обрў-эътиборга эга бўлади. Ана шундай юртдошларимиздан бири тиббиёт фанлари доктори, профессор Миржалол Жўраев 38 йил давомида Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказида халқимиз саломатлиги йўлида фидокорона меҳнат қилиб келмоқда. Қанчадан-қанча нажот излаб келган беморларга ҳаёт бахш этиб, кези келганда 7-8 соат давомида мураккаб операция жараёнларини амалга ошириб, касб маъсулиятини дилдан ҳис этган ҳолда сидқидилдан меҳнат қилмоқда.

янги усулларини ишлаб чиқиш ва амалда муваффақиятли қўллаш натижасида охириги 10 йил ичида меъда, жигар, меъда ости бези саратонида 5 йиллик яшаш муддатини 8 фоизга оширишга ва кечиккан формаларини 6 фоиз камайтирилишига ўз хиссасини қўйди. Эътирофли шундаки, Миржалол Жўраев томонидан меъда саратонида сунъий меъда ясаш, юқори функционал кўрсаткичга эга бўлган янги эзофагоэнтероанастомоз, гастропанкреатодуоденал резекция каби юқори технологик реконструктив амалиёт усули ишлаб чиқилган бўлиб, унинг янгилиги ва самараси, нафақат республика, МДХ мамлакатлари, Германия, Италия, Испания, Франция, Австрия, Швеция, Швейцария, Бразилия ва кўпгина Осиё мамлакатлари олимлари томонидан қўллаб-қувватланди. Шунингдек, 2002-2003 йилларда Германиянинг Франкфурт, 2004 йилда Миср Араб Республикасининг Қоҳира шаҳри, 2005 йил Австрия, 2006 йилда Бразилия, 2007 йил Швейцария, 2009 йил Испания, 2010 йил Франция, 2011 йил Италия, 2012 йил Швеция, 2014 йил Швейцария, 2017 йил Португалия давлатларида ESMO ва ECCO халқаро ташкилотлари томонидан ўтказилган конгрессларида ўз маърузалари билан қатнаш, Ўзбекистон тиббиётининг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрни борлигини кўрсата олди. Шунингдек, мазкур соҳада 100 дан орტიқ малакали кадрлар тайёрлаб, унинг раҳбарлиги остида 8 нафар тиббиёт фанлари номзоди етиштиб чиқди ва 5 нафар ёшлар докторлик диссертацияси устида иш олиб бормоқда. Профессор Миржалол Жўраев 530 дан ортиқ илмий мақолалар (шулардан 55-75 фоиз чет мамлакатларда) 2 та тиббиёт олийгоҳлари талабалари учун дарслик ва 3 та меъда ва жигар саратонига бағишланган монография, қатор патент ва рационализиаторлик тақлифлари муаллифидир.



ларга раҳбар лавозимларига юборилди. Миржалол Жўраев ҳам топшириққа биноан Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Самарқанд филиалига директор лавозимига тайинланди. Шу фурсат ичида Самарқанд вилоятда аҳоли ўртасида онкологик касалликлар профилактикаси бўйича самарали усулларини ишлаб чиқди ва бунини натижасида онкологик касалликнинг кечиккан формаларини 52 фоиздан 48,8 фоизга камайтиришга 1 ва 2 босқичларини 49 фоиздан 51,2 фоиз кўтаришга муваффақ бўлди. Шунингдек, шифо масканида 8 та йўналиш бўйича 240 дан ортиқ юқори технологик амалиётларини муваффақиятли бажариб, вилоят аҳолисининг эътирофига сазовор бўлди. Шу билан биргаликда, амалий йўналишлар бўйича катта ишларни амалга ошириб, 5 нафар ёш ходимларни Ҳиндистоннинг BLK клиникаси, 4 нафар мутахассисни Туркиянинг «АЖИ-БАДЕМ» клиникаси ва 6 нафар ходимни Россия Федерациясининг Блохин номдаги онкология илмий марказида соҳа бўйича тах-

рибасини ошириб келишига кенг имконият яратди. Унинг раҳбарлигида Самарқанд филиалида 2017 йилда 3 нафар ёш мутахассис таянч докторантурага қабул қилинди. Шу ўринда айтиш муҳимки, олим Миржалол Жўраев турмуш ўртоғи Гулшоҳ Жўраева билан 3 нафар фарзандини воёга етказиб, уларнинг 2 нафари айти кунда нуфузли олий таълим муассасаларида тахсил олиб, илмий салоҳият йўлида изланишлар олиб боришмоқда. Гулрух Жаҳон ихтисодиёти ва дипломатия университетининг амалий кафедрасида якуний босқич докторанти, политология фанлари номзоди. Шохрух эса Германиядаги Амазол компаниясида регионал директор вазифасида фаолият юритмоқда. Фаррух эса ота касбинини улуглаб, ҳозирги пайтда Н. Блохин номдаги Россия онкология марказининг 2-босқич аспиранти. Миржалол Жўраев ҳамда Гулшоҳ Жўраева билан бир-биридан ширин бўлган 5 нафар набираларининг севимли бобоси ва бувижонисидир.

Ҳа, оилар, йиллар ўтаверади. Инсоннинг чин дилдан эътиборлари сари интилиши уни фаоллик, жонқуярлик, фидоийлик, талабчанлик ва ташкилотчиликка ундайди. Профессор Миржалол Жўраевда ана шундай олижаноб фазилатлар муҳасам экан, унинг касбий маҳорати, устозлик қобилияти, бемор ва ходимларга бўлган меҳрибонлиги ҳамда оиласига бўлган садоқати эл-юрт орасида бардавом бўлиб бораверади.

Ибодат СОАТОВА.  
Муаллиф олган суратлар.



“Халоллик мартабани беъайди” деганларидек, профессор Миржалол Жўраевнинг меҳнатлари давлатимиз томонидан юксак қадрланиб, “Ўзбекистон Мустақиллигининг 15 йиллиги” ҳамда “Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш аълочилиси” кўкрак нишонларига сазовор бўлган бўлса, 2018 йилда эса II даражали “Соғлом авлод учун» ордени билан тақдирланди.

Шу ўринда, олий тоифали жаррох, тиббиёт фанлари доктори, профессор Миржалол Жўраевнинг фаолият йўлига назар ташласангиз, марказда раҳбарлик лавозимларида, айниқса, илмий салоҳияти йўлида эътиборга молик ишларни амалга ошириди. Қанчадан-қанча шогирдлар тарбиялади. Албатта, бу каби машаққатли меҳнатларни ўз-ўзидан бўлгани йўқ. Ундаги шижоат, касбга садоқат, ишга масъулият каби зғу фаилатлар Миржалол Жўраевни ҳақиқий касб фидоийси эканли-

гини амалда кўрсатди. Мустақиллигимизнинг 27 йиллиги арафасида Самарқанд вилояти ҳокимлигида бўлиб ўтган йиғилишда вилоят ҳокими Эркин Турдимов Давлатимизнинг юксак мукофоти бўлган II даражали “Соғлом авлод учун» орденини Миржалол Дехқоновичга тантанали равишда топширар экан, “Сиз каби жонқуяр шифокорлар халқимиз саломатлиги учун доимо кераксиз» дея зғу тилақларини билдирди.

Мақоламиз қаҳрамони Миржалол Жўраевнинг фаолият йўлидаги эришган ютуқларига эътибор қаратишни лозим, деб топдик. Ўз касбининг моҳир устаси республикада онкологик касалликларни беравқат ташхиллаш, юқори технологик жарроҳлик усулларини ишлаб чиқиш, киритиш ва тиббий реабилитация ишларини амалга оширишда фаол иш олиб бормоқда. Қорин бўшлиғи аъзолари ўсмаларини самарали ташхиллаш ва уларни даволашда лозим бўлган ўта мураккаб замонавий жарроҳлик амалиётларини клиникада татбиқ қилиш, жарроҳлик амалиётини

(Давоми. Боши  
1, 2-бетларда).

## Ислохот одимлари

ОНКОЛОГИК КАСАЛЛИКЛАРНИ ДАВОЛАШДА  
ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР

Жорий йилнинг 3 октябрь куни Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази томонидан олиб борилаётган фаолиятлар билан яқиндан танишдик. Айтиш жоизки, бугунги кунда муассаса энг сўнги замонавий инновацион аппаратуралар билан таъминланиб,


йилларда Ўзбекистон Республикасида онкология хизматини янада ривожлантириш ва аҳолига онкологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори мамлакатимизда ушбу йўналишни янада такомиллаштиришда дастуриламал бўлмоқда. Жумладан, Респуб-

лика онкологлар ассоциацияси ташкил этилди ва худудлардаги 15 та онкология диспансерлари Марказимизнинг филиалларига айлантирилди. Хозирда онкологик касалликларнинг диагностика ҳамда даволаш стандартлари ҳамда клиник протоколлар ишлаб чиқилиб тасдиқланди ва амалиётга татбиқ этилмоқда. Эндликда бутун Республика он-

дан зиёд мутахассис ушбу маъруза ва маҳорат дарсларида иштирок этишди, 11 мингдан ортиқ беморлар кўриқдан ўтказилди, 320 га яқин жарроҳлик амалиёти бажарилди ва уларнинг 121 таси юқори технологик амалиётлар ҳисобланади. Шу билан бирга, мутахассислар малакасини ошириш, дунё тажрибасини ўзлаштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Жорий йил бошидан бугунги кунгача 18 та давлат билан меморандум имзоладик. Хорижий давлатлар клиникалари билан ҳамкорлик мустаҳкамланди. 2017 йили 40 нафар, 2018 йили 13 нафар мутахассис АҚШ, Польша, Ҳиндистон, Туркия, Россия, Беларусь ва бошқа нуфузли чет эл муассасаларида ўз малакаларини ошириб келишди. Яна бир жиҳат, Марказимизни замонавий шаклда реконструкция қилиш учун Ҳукумат томонидан маблағ ажратилиб ҳозирда асосий бинони реконструкция қилиш ишлари олиб борилмоқда. Нафақат пойтахтда, балки вилоятлардаги филиалларимизда ҳам Радиотерапевтик бункерлар қурилди. Яъни, олиниши режалаштирилаётган радиотерапевтик ускуналар учун мўлжалланган бункерлар тўла қуриб битказилди ва ишлашга шай ҳолатга келтирилди. Самарқанд, Фарғона ва Марказимизда 3 та худудлараро

маркази тассарруфида қўшимча тарзда яна 3 та марказ, яъни Саратон профилактикаси маркази (касаликлар скринингини ўтказиш, эпидемиологиясини ўрганиш, онкологик хасталикларнинг ягона электрон базаси – канцер-регистрни йўлга қўйиш, тиббий статистикани тўғри олиб бо-

лаш Республикаимизнинг барча онкология муассасаларининг таъминланиши даражаси 90% дан ортиқни ташкил қилмоқда. Йилига ушбу дорилар учун қарийб 5,5 млн. АҚШ доллари қийматида маблағ ажратилмоқда. Муассасамизнинг моддий-техника базасини яхшилашга ҳам




юқори технологик жарроҳлик амалиётлари ўтказиб келинмоқда.

**Мирзаголиб ТИЛЛЯШАЙХОВ,**  
Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази директори, профессор:

– Жаҳон Сog'лиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига қараганда дунё бўйича йилига 16 миллионга яқин аҳоли онкологик хасталикларга дучор бўлиб, уларнинг 9 миллионга яқини вафот этади. Бу албатта, жуда катта кўрсаткич. Хўш, касаллик нима сабабдан келиб чиқади? Биринчи омил урбанизация ҳисобланади. Яъни 30 фоиз атроф-муҳитга боғлиқ, жумладан, заводлар, автомобиль, озик-овқатдан зарарланиш туфайли саратонга чалиниш кузатилади. Шу билан бирга, 30 фоиз наслга боғлиқ. Юрак, қандли диабет касалликлари каби онкологик хасталиклар ҳам насл суриши мумкин. Шу боис, хасталик профилактикаси, соғлом турмуш тарзига алоҳида эътибор қаратиш зарур. Аввало, раціонал овқатланишга риоя қилиб, вақтида тиббий кўриқдан ўтиб туриш керак. Афсуски, аҳоли орасида ушбу тартибга амал қилиш борасида етарлича маълумот йўқ. Ваҳоланки, хасталик бошланғич даврида аниқланса, ҳар 10 нафар бемордан 8-9 нафари бутунлай соғайиши мумкин. Бугунги кунда фўқароларимизнинг ихтисослаштирилган тиббий кўриқлардан ўтиши учун барча шарт-шароитлар яратилмоқда. Нафақат марказимиз, балки вилоятлардаги филиалларимиз, қолаверса, туман тиббиёт бинолари, оилавий поликлиникалар тубдан реконструкция қилиниб, замонавий тиббий ускуналар билан таъминланмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 4 апрелдаги “2017-2021

лика онкологлар ассоциацияси ташкил этилди ва худудлардаги 15 та онкология диспансерлари Марказимизнинг филиалларига айлантирилди. Хозирда онкологик касалликларнинг диагностика ҳамда даволаш стандартлари ҳамда клиник протоколлар ишлаб чиқилиб тасдиқланди ва амалиётга татбиқ этилмоқда. Эндликда бутун Республика он-



кология муассасаларида текшириш ва даволаш ишлари ушбу ягона стандарт асосида олиб борилмоқда. Марказимизнинг 11 нафар илмий раҳбар ва етакчи мутахассислари худудлардаги филиалларимизга раҳбар лавозимларига юборилди. Хозирда жойларда юқори технологик жарроҳлик амалиётлари бажарилмоқда, филиалларда онкологиянинг турли соҳалари бўйича илғор мактаблар шаклланиб, ёш, иқтидорли мутахассислар тайёрланмоқда. Қолаверса, чекка худудларга фаол консультатив ёрдам кўрсатиш ташкил қилинди. Марказнинг етакчи мутахассисларидан иборат 10 та гуруҳ шакллантирилди. Улар томонидан 2 йил давомида белгиланган тартиб асосида регуляри чикишлар амалга оширилмоқда. Хозирги кунгача чекка туман ва шаҳарга 500 дан ортиқ чикишлар амалга оширилиб, жойларда мингдан ортиқ тиббий машғулот ва маърузалар ўқилди, худудлардан 17 минг-

иммуногистохимик лабораториялар ташкил қилинмоқда. Хозирги кунда улар учун иммуногистохимик ускуналар тўплами харид қилинган. Тошкент, Фарғона, Урганч ва Самарқанд шаҳарларида эса кечки босқичлардаги, махсус давога эҳтиёж бўлмаган, оғир беморларга ёрдам кўрсатувчи худудлараро Хоспислар ташкил қилинди. Бу эса инсонларга юртимизда инсонийлик, меҳр-саховат кўрсатилаётганлигининг яна бир тимсолидир. Ўзбекистонда биринчи марта онкология амалиётида лапароскопик усулда даволовчи жарроҳлик амалиёти бажарилди. Нефрэктомия, буйрак резекцияси ва тромбэктомия каби мураккаб юқори технологик замонавий амалиётлар бажарилди. Эндликда ушбу усулда бошқа соҳа, абдоминал, торакал онкологияда ҳам жарроҳлик амалиётларини бажариш йўлга қўйилди. Бунинг баробарида, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт



риш, бутун онкология тизимини назорат қилиш ва касалликларнинг олдини олиш ишларини яхшилаш имкони пайдо бўлди), Экспериментал онкология маркази (илмий-амалий тадқиқотлар, янги махаллий ўсмага қарши дори воситаларини кашф қилиш ва ишлаб чиқариш, амалиётга татбиқ этиш тубдан кучайтирилди), Нур терапияси уску-

алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Яқинда 2 донанур терапия ўтказиш учун энг замонавий “Elekta Infinity” чиқиқли тезлаткичлар харид қилинди ва марказимизда ҳамда Тошкент шаҳар филиалига ўрнатилди. Бу ускуналар дунёнинг энг етакчи давлатларидаги на бўлиб, ўта самарали, аниқ ва қисқа вақтда нур терапия



наси метрология маркази (Марказнинг Рентгенорадиология маркази билан бириктириш орқали Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузурида нур терапияси ускунаси метрология маркази) ташкил этилди. Касалликларни эрта босқичларда аниқлаш мақсадида республика бўйлаб сут беги, бачадон бўйини саратон бўйича скрининг тадқиқотлари олиб бориш ишлари олиб борилмоқда. Қизилўнғач, меъда ва колоректал саратон бўйича эса Фарғона вилоятида тажриба тариқасида скрининг тадқиқотлари режалаштирилган. Яна бир қувонарли ҳол, у ҳам бўлса дори-дармон таъминоти. Айтмоқчиманки, бугунги кунда дори-дармон билан таъминот 3 баробарга ўсди. Авваллари онкология муассасаларини дори-дармон билан таъминлашни 20-25 фоиздан ортмас эди. Ўтган 2 йил давомида ушбу химиопрепаратлар би-

ўтказиш имконини беради. Бундан ташқари, яқин ойларида Республика бўйича 11 та гамма терапевтик ва 7 та брахитерапевтик ускуналар ўрнатилиши режалаштирилган. Хозирда Ўзбекистонда илк бор буйрак саратонидан аъзо сақловчи буйрак резекцияси бажарилиб, ўсма билан биргаликда йирик қон томирларидаги ўсма тромбларини олиш амалиётлари ўтказилмоқда. Ушбу амалиётларни лапароскопик ускуна ёрдамида бажариш биринчи бор ўтказилди.

Дарҳақиқат, онкология хизматини кўрсатишда кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш ва онкологик касалликларнинг олдини олиш, ташхис қўйиш ва даволаш соҳасида илмий тадқиқотлар доирасини кенгайтириш, шу билан бирга, жаҳон тажрибасини ўзлаштириш, инновацион технологияларни амалиётга жалб этишни даврнинг ўзи талаб этмоқда.

(Давоми 5-бетда).

(Давоми. Боши 1-бетда).

## Ислохот одимлари

ОНКОЛОГИК КАСАЛЛИКЛАРНИ ДАВОЛАШДА  
ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР

Барчамизга маълумки, бугунги кунда тиббиёт муассасалари жаҳон талабларига жавоб бера оладиган инновацион технологиялар ва малакали кадрлар билан таъминланмоқда, — дейди радиотерапия бўлими мудири Жамшид Алимов. — Хусусан, Марказимизда ҳам замонавий аппаратлар олиб келинмоқда. Маълумки, нур терапия — онкологик беморларни даволашдаги асосий усуллардан бири ҳисобланади. У жаррохлик усули билан бирга қўлланилади ва алоҳида шаклда қўлланилади. Бу паллиатив ва симптоматик даво учун ҳам ишлатилади. Ривожланган давлатларда нур терапия онкологик беморларнинг 60 фоиздан ортигини даволашда қўлланилади. Марказнинг нур терапия ўтказувчи чизиқли тезлаткичи билан таъминланиши эса йилдан-йилга ривожланиб, янгиланиб бораётган янги технологияларни амалиётда қўллаш имконини беради

(Давоми. Боши  
1, 4, -бетларда).

ҳамда нур терапия ўтказиладиган беморлар контингентининг орттишига, уларнинг ҳаёт сифати ва даволаш натижаларининг яхшиланишига олиб келади. Ушбу "Elekta Infiniti" чизиқли тезлаткичлар аппаратининг аввалгиларидан афзаллиги шундаки, ўсмага максимал равишда нур етказиб беради. Мақсадимиз, хар бир нур терапияда соғлом тўқимани максимал равишда асраб қолиш. Бу жараёнда бизга ушбу ускуна ёрдам беради. Бўлимимизда брахитерапия ва нур терапиясини ўтказиш имконияти бор, деб айта оламиз. Айтиш кераки, мазкур янги ускуна Буюк Британиядан олиб келинди. Албатта, янги технологиядан фойдалана олиш учун мутахассисдан билим ва тажриба талаб этилади. Шу боис, шифокорларимиз АҚШ, Туркия, Ҳиндистон, Россия давлатларида малака ошириб қайтишди. У ерда олинган билимларини бизнинг тиббиётдаги амалиётда қўллашмоқда. Ҳозирда ҳам чет эллик мутахассислар келиб маҳорат дарсларини ўтмоқда.

Ҳа, тиббиёт тизимида амалга оширилаётган бу каби ислохотлар халқимиз, айниқса,

келажақ авлод саломатлигини муҳофаза қилишга қаратилгани билан ҳам аҳамиятлидир.

— Республика онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази болалар бўлими 2001 йилда янги бинода иш бошлаб, 2012 йилда болалар химиотерапияси ва онкохирургияси ташкиллаштирилди, — дейди болалар онкохирургияси бўлими мудири, тиббиёт фанлари номзоди Тождин Мустафаев. — Бундан ташқари, вилоятлардаги филиалларда ҳам болалар бўлими фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, Давлатимиз томонидан энг сўнгги русумдаги замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланмоқда. Бўлимимиз нафақат Ўзбекистонда, балки Урта Осиёда болалардаги саратон касалликларини бошланғич босқичда аниқлаш, таххислаш ва даволаш бўйича биринчи ўринда туради. Чет элнинг етакчи клиникалари билан ҳамкорлик алоқалари кенгайиб бормоқда. Имзоланган меморандумларга мувофиқ мутахассисларимиз хорижий давлатларда ма-



лака ошириб қайтишмоқда. Бундан ташқари, республика-мизнинг чекка ҳудудларига чиқиб, болажонларда тиббий текширув амалга оширилмоқ-

да. Шу билан бирга, маҳаллий мутахассислар учун мамизнинг чекка ҳудудларига мақсад, келажақ авлод саломатлигини асраш.

Мухтасар қилиб айтганда, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказида эришилаётган муваффақиятлар, амалиётга татбиқ этилаётган инновацион гоя ва технологиялар халқ саломатлигини асраш учун хизмат қилаётгани билан аҳамиятга моликдир. Бу каби эзгу фаолиятлар эса мамлакатимизда инсон манфаатлари — олий қадрият эканигини амалдаги исботи, десак муболага бўлмайди.

Жонибек МАЪРУПОВ.  
Муаллиф олган суратлар.

## Анжуман

## ТАЖРИБА УЙҒУНЛИГИ АМАЛИЁТ ИСТИҚБОЛИНИ БЕЛГИЛАЙДИ

Жорий йилнинг 3 октябрь куни Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент давлат стоматология институти ҳамда Радиологлар жамияти ҳамкорлигида "Стоматология, юз-жағ жаррохлиги, офтальмология ва оториноларингологияда нур таххисининг замонавий усуллари" мавзусида хорижий мутахассислар иштирокида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.



Тадбирнинг кириш қисмида Соғлиқни сақлаш вазирлигининг биринчи ўринбосари Баҳодир Юсупалиев сўзга чиқиб, мамлакатимизда сўнгги йилларда Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилаётган туб ўзгаришлар, жумладан, тизимнинг барча йўналишларига инновацион технологияларни жалб этиш, жаҳон тиббиёти фаолиятида амалиётга татбиқ қилинаётган замонавий усуллар, кадрлар малакасини ошириш масалалари, шунингдек, соҳадаги долзарб муаммоларни бартараф этиш чоралари бўйича олиб борилган ислохотлар натижаси хусусида тўхталиб ўтди. Айниқса, бу борада халққор тажрибалар алмашинувнинг аҳамияти, бунинг учун чет эл

тиббиёт муассасалари ва етакчи клиникалари билан ҳамкорликни кучайтириш, шу орқали аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини яхшилаш, халқимизга ихтисослашган тиббий хизматни янада яқинлаштириш бўйича яратилаётган имкониятларга алоҳида эътибор қаратди.

Шундан сўнг, мамлакатимиз ва хорижий мутахассисларнинг юз-жағ соҳаси жароҳатлари, яллиғланиши ва онкологик касалликларда нур таххиси бўйича маърузалари тадбир иштирокчилари эътиборига ҳавола этилди. Анжуманда таъкидланганидек, бугунги кунда тиббиётнинг барча йўналишлари қатори радиология соҳасининг ҳам эътиборга молик жиҳатлари талайгина. Хусусан, мазкур соҳада тиббий визуализациянинг замонавий технологияла-

ри, яъни кўп қесимли компьютер, магнит-резонанс ҳамда бир фотонли эмиссион томография, рақамли рентгенография, ангиография, кўп ўлчамли эхография каби усуллардан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Yoshiyuki WATANABE,  
профессор (Япония):

— Халққор амалиётда ҳам таххислашнинг замонавий усуллари, масалан, компьютер ва магнит-резонанс томография, ультратовуш текшируви, шу билан бирга, позитрон-эмиссион томографиянинг қўлланилиши туфайли эришилган ютуқларга қарамасдан, ушбу анатомик мураккаб соҳанинг касалликларни диагностикаси бўйича кўплаб камчиликлар юзага келмоқда. Бу эса табиий ҳолда соҳани янада такомиллаштиришни талаб этади. Му маънода, мазкур анжуман стоматология, юз-жағ жаррохлиги, офтальмология ва оториноларингологияда янги радиологик технологияларни амалиётда қўллаш масалалари юзасида фикр алмашиш имконини беради. Бу борадаги ўзаро ҳамкорлигимиз келгусида бундан ҳам мустаҳкамланиб боради, деган умиддаман.

Айтиш жоизки, айна пайтда мамлакатимиз тиббиёт муассасаларида радиологик хизмат кўрсатишнинг моддий-техник базасини янада яхшилаш мақсадида рақамли DR ва CR тизимларни ўз ичига олувчи 355 та рентген, 39 та рақамли флюорограф, 455 та ультратовуш аппаратлари, 38 та компьютер томографи, 10 та магнит-резонанс томографи ва чизиқли кучайтиргичлардан фойдаланилмоқда. Бундан ташқари, ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.



Муножат ИСМОИЛОВА,  
Тошкент тиббиёт академияси тиббий радиология кафедраси мудири:

— Аввало, айтиш жоизки, аксарият касалликларни таххислашда ушбу соҳа хизматларидан кенг фойдаланилишини инкор этиб бўлмайди. Анжуманда соҳадаги долзарб масалалар, инновацион технологиялар имконияти, уларнинг касалликларни таххислашда тугган ўрни ва аҳамияти хусусида тажрибалар муҳокама қилинди. Эътиборлиси, тадбир доирасида Ўзбекистон радиологлар жамияти ҳамда Россия, Хитой, Ҳиндистон, Жанубий Корея, Япония ва Австралия каби ийрик давлатларни билдиришган Осиё ва Океания радиологлар жамияти қўша илмий сессияси ўтказилмоқда. Илмий сессиялар таркибида эса пойтахтимиздаги қатор тиббиёт олий ўқув юртиларида маҳорат дарслари ташкиллаштирилиши

режалаштирилган. Уларга мазкур йўналишнинг магистратура ва клиник ординатурасида тахсил олаётган ёш мутахассислари жалб қилинган.

— 3 кунлик семинарлар давомида мамлакатимиз ҳамда хорижий мутахассислар томонидан қилинган маъруза, шунингдек, фаолиятдаги зарурий тажрибалар билан ва кўникмаларимизни бойитишда алоҳида аҳамиятга эга, — дейди Тошкент тиббиёт академияси тиббий радиология кафедраси 1-босқич клиник ординатори Шамсиддин Ҳазратов. — Бу каби долзарб мавзулардаги муҳокамалар, улардан олинган илмий хулосалар келгусида соҳанинг мураккаб жиҳатларини ҳам пухта ўзлаштиришимизга ҳисса қўшади. Ёш мутахассис сифатида барча изланишларимни мамлакатимиз тиббиётда мазкур соҳани янада ривожлантиришга бағишлайман.

Анжуман якунига кўра, олинган билимлар асосида илмий-педагогик йўналиши, радиолог, стоматолог, юз-жағ жарроҳлари, офтальмолог ва оториноларингологлар амалиётда қўллаш бўйича амалий тақлифлар киритилди.

Ҳасан АБДУҒАНИЕВ.

## Соғлом аёл ойлиги

## ОНАЛАРИ СОҒЛОМ ЮРТДА БАРКАМОЛ АВЛОД УЛҒАЯДИ

Соғлом она – соғлом бола. Бу шунчаки шиор эмас, жамиятнинг азалий орзуси ва давлатимиз сиёсатининг устувор мақсади. Бунга эришиш учун эса юртимизда барча имкониятлар ишга солинмоқда. Хусусан, тизимли фаолиятлар, соғлиқни сақлаш соҳасидаги изчил ислохотлар айтиш шунчаки эзу мақсадлар рўйида қаратилган. Аҳоли саломатлигини асраш, оналар ва болаларга сифатли тиббий хизмат кўрсатилишини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар, яъни жойларда кенг қўлама ўтказилаётган "Соғлом аёл ойлиги" бу борадаги фикрларимизнинг тасдиғидир.

лий натижалари ушбу қатламнинг саломатлик кўрсаткичини аниқлаш, энг муҳими, соғлом авлод шаклланишини таъминлаш имконини беради. Яъни, бу жараёнда аёллар саломатлигининг ҳозирги ҳолати мониторинг қилиниб, зарурий маслаҳат берилди ва талаб этилганларга тиббий хизматлар кўрсатилади. Аминманки, мутахассисларнинг ойлук давомида-

Тиббий кўриққа келаётган аёллар билан сўхбат жараёнида уларнинг давлатимиз томонидан яратилаётган бундай имкониятлардан мамнун бўлаётганлигига амин бўлмоқдамиз, – дейди умумий амалиёт шифокори **Гўзал Ҳалилова**. – Улар орасида ёш оила аъзолари, ҳомилдор ва туғиш ёшидаги аёллар бор. Очиғи, аҳолининг тиббиётга бўлган ишончи кечагидан фарқ

бўлса, поликлиниканинг шифокор ва ҳамшираларига етказамиз. Мен ҳам шу ҳамкорликдаги фаолиятга озгина бўлса ҳам ҳиссам қўшилаётганлигидан мамнунман, албатта. Муассаса тасарруфидаги кундўзги шифохона хизмати эса аҳоли учун яна бир қулайликдир. "Саломатлик мактаби" фаолиятидаги иштироким туфайли тизимдаги ислохотлар билан яхши танишман.



Айтиш шунчаки моҳияти ва унинг аҳамияти хусусида соҳа мутахассислари ҳамда аҳолининг фикри билан яқиндан танишиш мақсадида жорий йилнинг 28 сентябрь кунини пойтахтимиздаги **46-сонли Оилавий поликлиникага** ташриф буюрдик. Кимдир рўйхатдан ўтиш хонасида, яна кимдир навбатдаги шифокор қабулига шо-

руҳи тасарруфидаги Кўшма қарор ижросини таъминлаш мақсадида жойларда фаолияти йўлга қўйилган "Саломатлик мактаби" аъзолари ҳам фаол иштирок этмоқда. Шу кунини улар томонидан ҳудуддаги 254-сонли умумтаълим мактабида ҳам соғлом турмуш тарзи қондаларига бағишланган кенгайтирилган йиғилиш бўлиб ўтди.

ги соғлом турмуш тарзига оид тарғибот-ташвиқот ишлари аҳоли ўртасида тиббий маданият тушуначасини мустаҳкамлашга ҳисса қўшади.

**Гулнора САДРИДИНОВА,**  
**46-сонли Оилавий**  
**поликлиника бош**  
**шифокори:**

– Бугунги кунда нафақат аёллар, балки аҳолининг саломатлик даражасини ўрганиш, касаллик-

қилади. Ҳатто, улар орасида одадий профилактика учун мурожаат қилаётганлар ҳам кўп. Бу эса аҳолининг саломатлигига бўлган масъулияти, эътибори ортиб бораётганлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан илгари суралаётган тарғибот ишлари бе-самар кетмаётганлигидан далолатдир. Бир кунда 10-15 тага ақин қабул ўтказяпман, ҳар бир мурожаат эгасининг саломатлик кўрсаткичлари ҳақидаги маълум-

Яқинда чуқурлаштирилган тиббий кўриқлар ўтказилган эди, мана, кўп вақт ўтгани йўқ, навбатдаги ижтимоий тадбир – "Соғлом аёл ойлиги" бошланди. Бундан хулоса шуки, биз чиндан ҳам халқига ғамхўр давлат ва жаннатмонанд юрда яшаётимиз.

– Поликлиникамизда кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифати яхши, – дейди тиббий кўриқ иштирокчиси **Дило-**



шилмоқда. Дастлаб, шу зайдда мутахассислар ва аҳоли ўртасидаги муносабатларни кузатдик. Гувоҳи бўлдикки, муассасада Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг жорий йилнинг 10 сентябридаги 549-сонли буйруғи асосида ташкил этилган "Соғлом аёл ойлиги"нинг ҳар бир жиҳатида жиддий ёндашилмоқда. Бошқача айтганда, мазкур тиббиёт муассасасида Президентимизнинг 2016 йил 1 ноябрдаги "2016-2020 йилларда Ўзбекистонда оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш, амбулатор-поликлиника шароитида аҳолига кўрсатилаётган бирламчи тиббий-санитария хизмати сифатини ошириш, туғиш ёшидаги аёллар саломатлигини яхшилаш, шунингдек, оналар ва болалар ўлими билан боғлиқ ҳолатларнинг олдини олиш масалалари асосий устувор вазифа этиб белгилаб олинган.

Этиборлиси, тадбир доирасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ишчи гу-

**Манзура ЗАЙНУДИНОВА,**  
**Шайхонтоҳур туман**  
**тиббиёт бирлашмаси**  
**бош гинеколог:**

– Мамлакатимизда оналар ва болалар саломатлиги муҳофазасига қаратилаётган эътибор бежиз эмас, албатта. Сабаби, аёллар соғлом, фарзандлари баркамол жамиятнинг келажаги ҳам мустаҳкам бўлади. Бугунги кунда соғлиқни сақлаш тизими, хусусан, тиббиётнинг бирламчи бўғини мисолида олиб борилаётган фаолиятлар айтиш шунчаки мақсадларга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир. Айтиш керакки, аёллар саломатлигини таъминлаш бу – мунтазам назорат ва бир қатор чора-тадбирларни қамраб оладиган долзарб масала. Жумладан, туғиш ёшидаги аёллар саломатлиги доимий назоратда туриши лозим. Тўғри, бунинг учун, аввало, ҳар бир бўлажак онанинг ўзида масъулият кучли бўлиши керак. Шу маънода давлатимиз томонидан бу борада қаратилаётган эътиборни келажак авлод тақдирига бўлган ғамхўрликнинг ёрқин ифодаси дейиш мумкин. Республикамиз бўйича барча ҳудудларда ташкил қилинган "Соғлом аёл ойлиги" тадбирлари доирасидаги тиббий кўриқлар ва уларнинг таҳли-

ларни эрта аниқлаш, уларни даволаш ишларига тўғри йўналишчи чораларни амалга оширишда амбулатор-поликлиникалар хизмати муҳим аҳамият касб этмоқда. Айниқса, сўнгги йиллар мобайнида тармоқ фаолиятини такомиллаштириш, бирламчи тиббий хизмат сифатини янада яхшилаш борасидаги ислохотлар натижасида аҳолининг тиббиётга бўлган ишончи ортмоқда. Бундан ташқари, соҳага оид қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ишчи гуруҳи тасарруфидаги Кўшма қарор асосида жойларда "Саломатлик мактаблари" фаолияти йўлга қўйилди. Улар доирасида ўтказилган тиббий кўриқлар, қолаверса, мазкур йўналишдаги саломатлик ойларидаги замирида ҳам халқимиз саломатлигини асрашдек эзу мақсадлар мумкин. Бир ой мuddат мобайнида давом эттирилган тиббий кўриқларда муассасамиз рўйхатида олинган 680 нафар аёл текширувдан ўтказилиши режалаштирилган. Бунинг учун поликлиникамизда барча шарт-шароитлар етарли, мутахассисларимиз қабулида ҳам кутиб қолиш ҳолатлари кузатилаётгани йўқ. Ҳозирга қадар белгиланган иш режаси 67 фоизга бажарилди, яъни 460 нафар аёл саломатлик кўригидан ўтказилди, фаолиятлар жорий йилнинг 17 октяб-рига қадар давом эттирилади.

мотлар тиббий варақасига қайд этиш баробарида, бу ҳақда ўзларига ҳам батафсил маълумот беришди. Соғлиқда бирор бир ўзгариш аниқланганлар эса умумий ёки хос мутахассиснинг тиббий тавсияси асосида керакли тиббиёт муассасаларига йўналтирилмоқда.

Шундан сўнг, аҳоли вакиллари ҳамда маҳалла фаолларининг тадбир моҳияти, унинг аҳамияти борасидаги фикрлари билан қизиқдик. Улар ушбу фаолиятлардан розими?

– Аҳолининг саломатлигини таъминлаш бўйича тиббиёт тизимида амалга оширилаётган ишларга маҳалла фаолларининг бириктирилгани мақсада мувофиқ бўлди, – дейди **"Чарх Нова" маҳалла фаоли Саноат Комилова**. – Сабаби, улар аҳолига бир қадар яқин. Маҳаллада кўз-кўзга таниш, қўшничилик, ҳар қолда хабардорлик яхши бўлади. Кимдир тиббий ёрдам керак

**ром Нурхонова**. – Бугун ҳам яратилган шароит ва имкониятлардан фойдаланиб, барча шифокорлар текширувдан ўтдим. Худудимизга бириктирилган патронаж ҳамшира ҳамда умумий амалиёт шифокоримиз профилактика учун ҳам мутахассис назоратидан ўтиб туришимиз лозимлигини кўп бор таъкидлайди. Барака топишсин, ўзгалар саломатлиги ҳақида қайғуриш, меҳрибонлик, давлат томонидан кўрсатилган ғамхўрлик ҳам шунча бўлади-да! Уйлайманки, ўз ўрнида биз ҳам бундан тўғри хулоса чиқаришимиз лозим, шифокорга фақат сўнгги имкониятни қолдиришимиз керак эмас. Ахир, айтишдику касалликни даволагандан кўра, унинг олдини олган яхши. Шу боис, ҳар бир инсон саломатлиги учун, аввало, ўзи масъулиятли бўлиши зарур.

Ҳа, соҳадаги ислохотлар жараёни, улар натижасида рўй бераётган ўзгаришлар кузатувчиси ва фаол иштирокчиси сифатида халқимизнинг тиббий-хуқуқий маданияти ҳам шаклланиб бормоқда. Бу эса тиббий хизматлардан фойдаланиш тартиби, ҳуқуқи, шу билан бирга, ўз масъулиятларини тушуниб етишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Қолаверса, давлатимиз ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги кўрсатмаларига асосан тиббиёт ходимлари томонидан олиб борилаётган фаолиятлар соғлиқни сақлаш тизимини аҳолига, халқимизни эса тиббиётга яқинлаштирмоқда.

**Ҳасан АБДУҒАНИЕВ.**  
Муаллиф олган суратлар.

# ДЎСТГА ДЎСТ БЎЛМОК КЕРАК!..

(Қатра)

**Дўстлик – инсон ахлоқининг бебаҳо фазилатларидан бири. У ўз ўрнида кишилар муносабатлари кўринишидаги эътироф, ҳурмат, ҳамфикрлик, таъбир жоиз бўлса, ишонч, содиқлик, гамхўрлик ва жонқуярлик сингари беиннат туйғулارнинг давомийлиги билан изоҳланади. Бошқача айтганда, ҳеч ким ҳаётини дўстларсиз ўтишини истамайди, шу маънода дўстлик – ҳаёт заруратидир.**

Табииyki, ҳар бир инсон дўст танлашда, аввало, қалб гавҳари, яъни удаги қувноқлик ва кўнгли очиклик каби ҳислатларга эътибор қаратади. Зеро, дунёдаги жамики иззат-икромлар биргина содиқ дўстининг ўрнини босолмайди. Умримиздан дўстлиқни ўчириб ташлаш эса оламни қуёш нуридан маҳрум этиш билан баробар, гўё. Буни қарангки, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси ўзининг 27 апрель 2011 йилдаги 65-сессиясида 30 июль санасини "Халқаро дўстлик куни" деб эълон қилган.

Бу бежиз эмас, албатта. Дунё тамаддунида ўзига хос ном қозонган, машҳур аллома Абу Али ибн Синонинг фикрича, инсондаги ахлоқий сифатларнинг камол топишида яхши, хуштабаит, илмли дўст муҳим ўрин тутади. Яъни, "Яхши дўст ойиқдир, унда кишининг бутун яхши ёки ёмон томонлари акс этади" дейди буюқ файласуф. Олим, шунингдек, "Дўстлик инсонга хос бўлган шундай бир ҳислатдирки, бунда бошқа бирова яхшилик исталади, бунда инсон яхшиликни, аввало, дўстлари учун истади, дўст бу – яхши кўрувчидир. Дўст ўз дўстининг хурсандлигида ҳам, бахтсизлик кезларида ҳам, қайғу ва шодлигида шерик бўлади" деб муносабат билдирган. Тарихий шахслардан бири Юлий Цезар ўз шифокорини содиқ дўст ва жуда ишончли, як-

каю-ягона яқин кишиси деб ҳисоблаган. Ҳатто, касал бўлганда дориларни фақат шифокори қўлидан олиб қабул қилган. Шифокор, ҳа, у ва бемор ўртасидаги дўстлик – жамият бойлигидир. Негаки, шифокор ва бемор бирлашиб, касалликка қарши курашсагина галаба қозонади. Шунинг учун ҳам Ибн Сино шифокорни – бемор ва унинг яқинларига дўст, устоз ва ёрдамчи, дея эътироф этган. Дарҳақиқат, инсонпарварлик шифокорнинг энг эзгу хусусиятларидан бири бўлиб, ҳис-туйғуга тўла, ҳаяжонли меҳнатининг салбий таъсирига (ўткир руҳий зарбалар, руҳиятидаги сурункали зўриқиш, чарчаш, мадорсизлик) эътибор бермай, фақат дўстлари (бемор, уларнинг яқинлари ва ҳамкасблари) тўғрисида ўйлайди. Уларнинг таъсири кучли, ҳатто ўта оғир синов бўлса ҳам билинтирмасликка ҳаракат қилади, беморнинг аҳоли яхши бўлмагунча ўзини енгил ҳис қилмайди. Узининг бор билим ва маҳоратини беморни даволаш, халқ соғлиғини сақлашга бағишлай, ўзининг жисмоний, илмий ва бор салоҳиятини ушбу жарбага сафарбар этади.

...1973 йил Самарқанд давлат тиббиёт институтида 600 нафардан ортик талабалар давлат имтиҳонларини муваффақиятли топшириши ва шифокорлик дипломига эга бўлиши. Элга хизмат қилишдек юксак вазифани бажариш учун халқ орасига йўл олиши. Олти йиллик талабалик даврида ўрнатилган

дўстлик риштаси, мана, 45 йилдири тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Улар орасида эзюк, билимдон, тажрибали ва серғайрат шифокор, дўстимиз **Аҳрор Баҳромович Яркулов**нинг ҳам алоҳида ўрни бор. Аҳрор Яркулов 1950 йилда Зарафшон водийсининг Хатирчи туманида тававалуд толган. 1967 йил Янгиробот кўрғондаги 20-сонли ўрта мактабни имтиёзли яқунлаб, Самарқанд давлат тиббиёт институтига ўқишга қабул қилинди ва 1973 йили мазкур таълим муассасасининг даволаш факультетини муваффақиятли тамомлади. Шифокор деган масъулиятли мутахассисга айланди. У илк меҳнат фаолиятини Сурхондарё вилоятининг Термиз шаҳрида бошлади. 1998 йили "Оналар ва болаларга тиббиёт ёрдам кўрсатиши янги ташкилий шакллари самарадорлигини тиббий-ижтимоий баҳолаш" мавзусидаги номзодлик диссертациясини муваффақиятли ёқлаган.

– Аҳрор Баҳромович билан талабалик даврида дўст тўтинганмиз, – дейди **Кармана туман 1-сонли Кишлоқ оилавий поликлиникаси бош шифокори, II даражали "Соғлом авлод учун" ордени соҳиби Маҳмуд Раҳматуллаев**. – Дўстлигимиз самимий тенглик, аҳиллик ва ўзаро ишонч пойдеворида қурилган. Мен билан у инсонийликни ҳамма нарсадан устун ҳисоблайди, муомала-муносабатда камситиш ва таҳқирлашларга йўл қўймайди, ўзгаларнинг дунёқарашини, эътиқоди, миллий ва этник хусусиятлари, анъана-маросимларига ҳурмат-эҳтиромда бўлади. Бир сўз билан айтганда, меҳр-муруватли, гамхўр, сахий ва бағрикенг инсон.

Аҳрор Яркулов умр йўллари давомида Термиз шаҳрида Сур-

хондарё вилоят онкология диспансери шифокори ва бош шифокор муовини, вилоят соғлиқни сақлаш бўлими мудири муовини, Навоий вилояти раҳбариятида илм-фан ва таълим бўлими етакчи мутахассиси, Бухоро вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг муовини лавозимларида самарали фаолият юритди. Тажрибали мутахассис ушбу йиллар мобайнида ўз имкониятларини тўғри баҳолаб, ҳодисаларга реал кўз билан қарай оладиган, доим қўшимча маълумот олиш, аниқликларни ўрганишга ҳаракат қиладиган, ишчанлик хусусияти ва ижодий фикрлаш қобилиятларига эга эканлигини намоён этди. Аҳрор Баҳромович айна пайтда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурдаги врачлар ва фармацевтларга лицензия бериш ва аттестациядан ўтказиш Республика маркази раҳбари лавозимида фаолият юритмоқда. Ривожланган хорижий давлатлар тиббиётининг илғор тажрибаларини ўрганиб, мамлакатимизда замон талабларига жавоб берадиган биринчи янги марказ фаолиятини йўлга қўйди.

– Ҳаёт Аҳрор Баҳромовичга олижаноблик, тимимсиз изланувчанлик, илм йўлида курашга чанқоқлик, юксак ишонч сингари адолатли мезон бўлувчи фазилатларни инъом этган, – дейди **Урганч шаҳри урология маркази олий тоифали шифокори, кардиолог Бахтиёр Рўзимов**. – У ушбу одамийлик хислатлари тўғрисида кишилар

Ҳа, Аҳрор Яркулов дўстга содиқлик, олижаноблик ва ок-кўнглилик каби инсоний фазилатларининг соҳиби, намуна-ли оила устун. Ундаги дўстликка нисбатан бўлган садоқат чиндан ҳам ибратли. Зеро, яхши кўнунда ҳам, ташвишли кўнунда ҳам бирдек йўқлагувчи ҳақиқий дўстдир.

Исроил ИСМОИЛОВ, шифокор.

## Объявление

### Министерства здравоохранения Республики Узбекистана о принятии на вакантную должность

Министерство здравоохранения Республики Узбекистан осуществляет реализацию проектов "Оснащение лабораторным оборудованием центров Госсанэпиднадзора Республики Узбекистан", "Модернизация Онкологических учреждений" при финансировании Исламского банка развития (ИБР) и "Строительство и оснащение современным медицинским оборудованием республиканских специализированных научно-практических центров" при финансировании Саудовского фонда развития (СФР). С целью надлежащего осуществления данных проектов, Министерство здравоохранения приглашает заинтересованных специалистов для прохождения открытого

отбора на следующую вакантную должность:

**Руководитель Объединенной группы реализации проектов (ОГРП)**  
**I. Задачи руководителя:** полный контроль и инструктирование деятельности по проектам, осуществление надлежачего руководства для достижения целей проектов в сотрудничестве со всеми организациями вовлеченными в исполнения проектов.

#### II. Квалификационные требования:

**Опыт работы:**  
– Как минимум 3 года опыта в области здравоохранения, финансов на национальном и международном уровне. Опыт работы на руководящей должности.

– Опыт работы в проектах, финансируемых международными финансовыми институтами является преимуществом.

#### Образование:

– высшее образование: медицинское, экономическое, финансовое, в области здравоохранения или эквивалентной сфере;

– наличие послевузовского образования приветствуется;

– свободное владение русским, узбекским и английским языками.

#### Продолжительность работы:

Контракт с отобранным кандидатом будет заключен сроком на один год. Первые три месяца работы являются испытательным сроком. Контракт будет продлеваться в зависимости от удовлетворения

тального исполнения должностных обязанностей, что ежегодно будет оцениваться Министерством здравоохранения, с учетом мнения ИБР.

Заинтересованные кандидаты должны направить свое резюме на нижеуказанный адрес электронной почты до **8 октября 2018 года**.

**Министерство здравоохранения Республики Узбекистан**  
**Объединенная группа реализации проектов Узбекистан, г. Ташкент, ул. Паркентская, 51**  
**Тел./факс: (99871) 268-25-39 (Доб.**

**124) e-mail: akhunjon.sapaev@minzdrav.uz**

## Job vacancy announcement from Ministry of Health of Uzbekistan

Ministry of Health of Uzbekistan is implementing Projects "The Equipping State Sanitary Epidemiological Supervision Centers with laboratory equipment", "Support to the development of oncology services" under financing of Islamic Development Bank (IDB) and "Construction and equipping specialized scientific medical centers with modern medical equipment" under the financing of Saudi Fund for Development (SFD). In order of proper implementation of these projects, Ministry of Health invites interested qualified candidates to pass an open selection for the following vacant position:

### Head of United Project Management Unit (UPMU)

**I. Objectives of the Position:** overall management and guidance of the Project activities, as well as strong leadership in achieving the Project goals in cooperation with all agencies involved the Project implementation.

#### II. Qualification requirements

**Experience:**  
– at least 3 years of experience in Healthcare, Finance at national and international level. Experience in managerial positions;  
– experience in projects financed by

international finance institutions would be advantage.

#### Education:

– university Degree in Medicine, Economics, Finance, Public Health or equivalent disciplines;

– postgraduate qualification in the above area would be advantage;

– knowledge of Russian, Uzbek and English languages.

#### Assignments' duration:

The contract with the selected candidate will be concluded for the period of one year. First three months will be a probation period. The contract will be extended depending on satisfactory performance of

the functional responsibilities of the employee as it will be annually evaluated by the Ministry of Health, considering IDB opinion.

Interested candidates should submit their CV (in English and Russian) to the e-mail address below by **October 08, 2018**.

**Ministry of Health of Uzbekistan**  
**United Project Management Unit**  
**51 Parkentskiy str., Tashkent, Uzbekistan**  
**Tel./fax: 99871-268-25-39 (124), e-mail: khunjon.sapaev@minzdrav.uz**

## Ўзбекистон – Жанубий Корея

## ХОРИЖЛИК ШИФОКОРЛАР НАМАНГАНДА

Жанубий Корея давлати билан ҳамкорлигимиз ижобий самаралар бераётганлиги бугунги кунда сир эмас. Ўзаро манфаатли алоқалар доираси тобора кенгайиб бораётганлиги ҳам қувончли ҳолдир. Юртимизга келган корейлик ишбилармон доиралар вакиллари, тиббиётчилар ва санъаткорлардан иборат делегация аъзолари Наманганда ҳам бўлишди.



Таширф дастурига мувофиқ Чоннам университети миллий шифохонаси мутахассислари вилоятимиз аҳолисига юқори малакали тиббий хизмат кўрсатди. Меҳмонлар вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида тантанали равишда қутиб олинди.

Тиббиёт маркази консултация поликлиникаси олдига Жанубий Корейнинг шифокорлар ва волонтерлар гуруҳи аъзолари таширфи муносабати билан тадбир бўлиб ўтди. Уни вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси Солижон Мўминов кириш сўзи билан очди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг маслаҳатчиси Юн Тек Рим ва бошқалар сўзга чиқиб, икки давлат ўртасидаги кенг қамровли муносабатлар ривожланаётганлигини, бу айниқса тиббиёт соҳасида яққол намоён бўлаётганлигини мамнуният билан таъкидладилар.

Шундан кейин хорижлик мутахассислар томонидан аҳолини чуқурлаштирилган тиббий кўриқда ўтказиш бошланди. Чоннам университети миллий шифохонаси мутахассислари саккиз йўналиш бўйича беморларни қабул қилишди. Ортопед, ЛОР, офталмолог, реабилитолог, педиатр, юз-жағ ҳамда қон-томир

жарроҳликлари бўйича етук мутахассислари 63 нафар волонтерлар иштирокида тиббий хизмат кўрсатишди. Улар томонидан ёзиб берилган дори-дармонлар ва тиббиёт буюмлари беморларга бепул тарқатилди.

– Наманган аҳлига хайрия тариқасидаги акция доирасида беминнат хизмат кўрсатаётганимдан мамнунман. Ҳамкорлигимиз янада раванқ топишига ишончим комил, – дейди доктор Ми Сүч Сунг.

– Кўзимдаги муаммодан қийналар эдим. Юртимизга келган чет эллик шифокорлар қабулида бўлдим. Даволаниш бўйича зарур маслаҳатларни олдим, – деди Муслимжон Низомов, беҳад маннун бўлиб.

Шу кунги Ўзбекистон ва Жанубий Корея шифокорлари иштирокида юқори технологик жарроҳлик амалиётлари ҳам ўтказилди. НВКТМ травматология ва ЛОР бўлимларига ётқизилган беморларда хайрия тариқасида жарроҳлик амалиётлари олиб борилди. Жумладан, корейлик ортопед, профессор Юн Тек Рим травматология бўлимига ётқизилган, Янгикўрғон тумани Нанай қишлоғида яшовчи Собиржон Акбаралиевнинг чап чаноксон бўлимида тотал эндопротезлаш амалиётини “Маҳорат дарси” сифатида кўрсатиб берди.

Наманган вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказида маҳаллий шифокорлар билан мулоқот бўлиб ўтди. Қизилқорли кечган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Хусусийлаштириш ва пуллик хизмат кўрсатиш маркази раҳбари Камолхўжа Эшонназаров, Корейнинг



Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тартиби бўйича маслаҳатчиси Юн Тек Римлар жадал суръатлар билан тараққий этиб бораётган жаҳон тиббиёти ютуқларини янада самарали қўллаш, Ўзбекистон ва Жанубий Корея давлатлари шифокорлари ўртасидаги ҳамкорликни янги босқичга кўтариш юзасидан фикрларини баён этишди. Тадбир қатнашчилари ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоблар олишди.

– Ўзбекистон тиббиёти билан саккиз йилдан бери танишман. Мамлакатда кўп бор бўлганман. Лекин гўзал Наманганга биринчи келишим. Ширинсухан ва меҳмондўст одамлар яшайдиган, ҳуят обод юрт бой таассурот қолдирди. Наманганда тиббиётни янада юксалтириш имкониятлари катта эканлигига амин бўл-



дим. Биргаликдаги саёй-ҳаракатларимиз ана шу кутлуг мақсадга қаратилди. Биринчи навбатда кадрлар малакасини оширишга урғу берамиз. Чунки, ривожланган давлатлар таърибасида мана шу омил муҳим аҳамиятга эга эканлиги исботланган. Қолаверса, Президент Шавкат Мирзиёев ҳам соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ қилиш масаласига устувор вазифа сифатида қарамоқда, – дейди Юн Тек Рим.

Қисқаси, хайрия тариқасида ўтказилган акция шарофати билан минг нафардан зиёд фуқаро хорижлик мутахассислар тиббий кўригидан ўтди. Маҳаллий шифокорлар эса чет эллик врачлар таърибасида юқоқ бўлишди.

Абдулла ҲОЗИЕВ.

## ҲИНДИСТОНДАГИ ХУСУСИЙ КЛИНИКАЛАР ФИЛИАЛЛАРИ ОЧИЛАДИ

Сир эмас, аҳолимиз айрим касалликларни даволаш учун ва мураккаб операцияларга эҳтиёж сабаб чет эл клиникаларига мурожаат қилишга мажбур бўлмоқда.



Хусусан, маълумотларга кўра, ҳар йили тахминан 25-30 мингга яқин юрдошимиз Ҳиндистонда даволаниш учун мурожаат қилади. Бу вазиятни инобатга олган ҳолда мамлакатимизга Ҳиндистонлик юқори малакали мутахассисларни жалб қилиш амалиёти йўлга қўйлаётгани яхши самара бермоқда.

Бу ташаббус мамлакатларимиз ўртасида ҳам қўллаб-қувватланиб, инвесторлар манфаати тўла қафолатган. Ҳиндистон тиббиёти тараққий этган давлатлардан саналади. Бугун мамлакатда тиббиёт туризми яхши ривожланган. Ҳар йили дунёнинг турли давлатларидан кўплаб инсонлар дардига даво топиш илминда Ҳин-

дистонга келади. Малакали мутахассислар уларни даволашнинг уддасидан чиқмоқда.

Ҳиндистондаги “Меданта” клиникаси хорижда ҳам маълум ва машҳур. Бу ерда травматология, кардиология, онкология сингари касалликлар даволанади. Клиникада юрак жарроҳлиги, турли аъзолар трансплантацияси ўтказилади. Бош миёга жарроҳлигида эса илгор инновацион усуллар қўлланилади. АҚШ ва Сингапур ҳам филиалига эга клиникага ҳар йили минглаб бемор мурожаат қилади. Улар орасида юрдошларимиз ҳам бор.

Мазкур клиниканинг илгор ютуқлари ва юрдошларимизнинг талаб ва эҳтиёжини инобатга олган ҳолда унинг

Ўзбекистонда филиалини очиб режалаштирилган. Соғлиқни сақлаш вазирлиги матбуот хизмати маълумоти-га кўра, вазирлик ва клиника раҳбарияти ўртасида бўлган учрашувда бу ҳақда келишиб олинди.

Учрашувда “Medanta” клиникаси раҳбари Нареш Трехан Ўзбекистондаги филиал Ҳиндистондагидан қилинмаган ҳолда энг замонавий тиббий техника воситалари билан жиҳозланишини, бу ерда малакали шифокорлар ишлашини алоҳида таъкидлади.

Янги лойиҳага 15 миллион АҚШ доллари миқдоридан инвестиция жалб қилиниши кўзда тутилган.

Нареш Трехан фикрича, Ўзбекистонлик шифокорлар, хусусан, жарроҳлар, кардиологларнинг билими ва малакаси юқори, лекин уларнинг замонавий технологиялардан самарали фойдаланиш кўникмасини янада ошириш зарур. Шу боис, филиал ишга тушган дастлабки ойларида маҳаллий мутахассислар Ҳиндистонлик ҳамкасбларидан бу борада ўзаро таърибга алмашади.

Ўзбекистонда мазкур клиниканинг очилиши ҳамюртларимизнинг узок йўл босиб Ҳиндистонга бориш мушқулидан озод қилади, ўз навбатида, бу ерда қўшни давлат фуқаролари ҳам даволаниш имконига эга бўлади.

Ўзбекистон – Ҳиндистон ҳамкорлигининг яна бир самараси “Pratiksha hospital Group” клиникасининг юртимизда фаолият бошлашга қизиқиш билдираётганида намоён бўлади.

Мазкур лойиҳага инвесторларнинг 10 миллион доллардан ортик маблағи сарфланиши кутилмоқда.

Мамлакатларимиз ўртасида тиббиёт соҳасидаги ҳамкорликнинг янги босқичга йўлга қўйилиши ва бу борадаги ишлар самардорлигининг ошиши, аввало, халқимиз соғлигини сақлашга, халқларимиз ўртасида дўстона муносабатлар янада мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Моҳиғул ҚОСИМОВА, Ўза.

Газета муассиси:  
Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

Бош муҳаррир  
Баҳодир ЮСУПАЛИЕВ  
Бош муҳаррир ўринбосари  
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт. Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри, Истикбол кўчаси, 30-уй, 2-қават.  
Тел/факс: 233-13-22, тел.: 233-57-73. Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2009 йилнинг 11 март кунини рўйхатга олинган. Гувҳорнома рақами 0015.

Газета материаллари тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Адади 2318 нусха.  
Буюртма Г-1037.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.  
Газета ҳақми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.

Саҳифаловчи Бахтиёр ҚҶШОҚОВ.

Босмаҳонага топшириш вақти – 20.00.